

6/2022,
noyabr-
dekabr
(№ 00062)



2022 ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЛАРИ БИЛАН СОЛИҚ КОДЕКСИГА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР ТАҲЛИЛИ

Якубов Бахтиёр Пулатович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил изланувчиси.

Тошкент, Ўзбекистон. b.yakubov@soliq.uz

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss6/a45

Аннотация

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорларликни ривожлантириш мақсадида солиқлар турининг сонини қисқартириш бўйича бажарилаётган ишлар, бюджетдан ташқари жамғармаларга йиғимларни бекор қилиш ҳисобидан корхоналарга солиқ имтиёзлар берилти. Шунингдек, берилаётган солиқ имтиёзлар бериш борасида аниқ мезон ва механизmlарни ишлаб чиқиш, берилаётган имтиёзлар ва преференцияларнинг самарадорлигини баҳолашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мақолада тадбиркорлар интизомли солиқ тўловчилар сафини кенгайтириш борасида ёритилган.

Калит сўзлар: бюджет сиёсати, инқироз, бюджет, солиқ имтиёзлари, солиқ маъмурчилиги, тадбиркорлик субъектлари, солиқ ҳисботи, солиқ тушумлари, солиқ имтиёзлари, солиқ, солиқ ставкаси, преференсиялар.

Аннотация

В целях развития предпринимательства в Республике Узбекистан проводится работа по сокращению количества видов налогов, предоставляются налоговые льготы предприятиям за счет отмены сборов во внебюджетные фонды. Особое внимание также уделяется разработке четких критерииев и механизмов предоставления налоговых льгот, оценке эффективности льгот и преференций. В статье рассматривается расширение рядов предпринимателей дисциплинированных налогоплательщиков.

Ключевые слова: бюджетная политика, кризис, бюджет, налоговые льготы, налоговое администрирование, хозяйствующие субъекты, налоговая отчетность, налоговые поступления, налоговые льготы, налоги, налоговые ставки, преференции.

Abstract

In order to develop entrepreneurship in the Republic of Uzbekistan, work is underway to reduce the number of types of taxes, tax incentives are provided to enterprises by abolishing fees to off-budget funds. Particular attention is also paid to the development of clear criteria and mechanisms for granting tax incentives, assessing the effectiveness of incentives and preferences. The article discusses the expansion of the ranks of entrepreneurs disciplined taxpayers.

Keywords: budget policy, crisis, budget, tax benefits, tax administration, business entities, tax reporting, tax revenues, tax benefits, taxes, tax rates, preferences.

Кириш

Солиқ имтиёзлари самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш бўйича таъсирчан тизимни жорий этиш орқали имтиёзларнинг солиқ тўловчининг молиявий фаолиятига таъсирини таҳлил қилиш ҳамда самарасиз ва мақсадсиз берилган солиқ

ҳамда божхона имтиёзларини бекор қилиш бўйича бир қанча меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар тасдиқланиши, шу жумладан Солиқ кодексининг тегишли моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар кирилмоқда. Солиқ имтиёзларини ҳисобга олиш бўйича маҳсус маълумот базаларида, шунингдек, уларни қўллаётган юридик ва жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг сифатини таҳлил ва назорат қилиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу масалаларнинг долзарблиги ортиб бормоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Мавзу доирасида асосий ўрганилувчи иқтисодий категория солиқ имтиёзлари тушунчаси бўлиб, солиқ имтиёзларига нисбатан берилган таърифларга батафсил тўхталсак.

Незамайкин ва Юрзиновалар (2004) —солиқ имтиёзи – бошқа тўловчиларга нисбатан солиқ тўловчиларга солиқ тўловчиларнинг алоҳида тоифаларига солиқ қонунчилигида кўзда тутилган афзалликларнинг, жумладан, солиқ ёки йиғимини тўламаслик ёки кичикроқ ҳажмда тўлаш имкониятининг берилиши дейди.

Майбуров (2011) солиқ имтиёзларини қонун хужжатларида белгиланган тартибда солиқ тўлаш муддатини ўзгартириш бўйича имтиёзлар олишга имкон берувчи имтиёзлар ҳамда улар бир нечта шаклларга ажратилади: солиқ кредити, инвестицион солиқ имтиёзи, солиқ таътили.

Милякова (2008) —солиқ имтиёзи – солиқ тўловчиларнинг алоҳида тоифаларига бошқа солиқ тўловчилар билан таққослагандага афзалликлар тақдим этиш, жумладан солиқ ёки йиғимни тўламаслик ёки уларни озроқ миқдорда тўлаш имконияти.

Рахматуллаева (2016) солиқ имтиёзига категория сифатида қўйидагича таъриф берган: —имтиёзлар - бу иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш ва ижтимоий вазифаларни ҳал этиш мақсадида солиқ тўловчининг солиқ мажбуриятларини қонун томонидан белгиланган шаклда бутунлай ёки қисман камайтиришнинг йўллари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари мажмуидир.

Завалишина (2005) Солиқ имтиёзи – деганда солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига бошқа солиқ тўловчилар билан қиёслагандага солиқлар тўғрисидаги қонун хужжатларида назарда тутилган афзалликлар берилиши, шу жумладан солиқ(йиғим) тўламаслик ёҳуд кам ҳажмда тўлаш имконияти тушинилади.

Жўраев ва бошқалар (2009) солиқ имтиёзлари – солиқ тўловчиларга солиқлар бўйича турли хил енгилликлар бўлиб, улар вақтинчалик ва доимий, тўлиқ ёки қисман ва бошқа кўринишларда берилиши мумкин.

Баладина (2011) бу борада қўйидагича таъриф берган: солиқ преференцияси – давлат томонидан солиқ мажбуриятини камайтириш юзасидан айрим солиқ тўловчилар учун мажбурий тартибда, бажарилиши лозим бўлган тақдим қилинадиган устуворликлардир.

Шунинг билан, солиқ имтиёзларини тақдим этиш, уларни тизимлаштириш, уларнинг жорий қилиниши натижасида рақобат мухитининг мурракаблашиб бориши юзасидан қатор илмий тадқиқотлар олиб бориши лозим бўлган муаммолар мавжуд.

Тадқиқот методологияси

Ушбу мақолада қиёсий таҳлил ҳамда индукция ва дедукция баҳолаш усусларидан фойдаланилди. Қиёсий усуслдан фойдаланилиб, солиқ имтиёзларига доир маълумотлар ва уларни таҳлиллар амалга оширилиб илмий холосалар берилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-741-сон Қонуни, 2021 йил 30 декабрдаги «2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги ЎРҚ-742-сон Қонун шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-73-сон қарори қабул қилинди. Ушбу киритилган ўзгаришларни таҳлил қилиб чиқсак.

Мазкур ўзгаришига мувофиқ мажбурий тартибда рўйхатга олинган қўшилган қиймат солиғи тўловчилари таҳлил қилиниб, қўйдаги жадвалда кўришимиз мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

2021 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-741-сон Қонунига асосан мажбурий тартибда рўйхатга олинган қўшилган қиймат солиғи тўловчилари тўғрисида маълумот¹

№	Худудлар номи	ҚҚСга ўтиши лозим	шундан				
			Ер майдони 25 гектар-дан кўп	Аудитор	Солиқ маслаҳатчилари	Бюджет ташкилотлар	Нотижорат
	Жами	6 990	2 833	59	43	1 684	2 371
1	Қорақал. Р.	672	482	0	1	116	73
2	Андижон	291	113	6	3	89	80
3	Бухоро	285	89	3	1	114	78
4	Жиззах	551	331	2	1	182	35
5	Қашқадарё	474	274	4	2	100	94
6	Навоий	192	55	1	1	73	62
7	Наманган	305	185	1	2	63	54
8	Самарқанд	639	399	1	3	110	126
9	Сурхондарё	175	70	1	0	54	50
10	Сирдарё	321	233	0	0	53	35
11	Тошкент в	607	270	4	1	168	164
12	Фарғона	377	148	1	3	104	121
13	Хоразм	407	178	0	2	144	83
14	Тошкент ш	1 693	6	35	23	314	1 315
15	ЙСТБҲ ДСИ	1	0	0	0	0	1

Солиқ кодексининг 461-моддасига ўзгариши киритилиб, тушумидан қатъий назар ҚҚС тўловчи корхоналар доираси солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари, аудиторлик ташкилотлари ва нотижорат (шу жумладан бюджет) ташкилотлари ҳисобига кенгайтирилди. Бунда нотижорат ташкилотлари фақатгина тадбиркорлик фаолиятини амалга оширган тақдирда ҚҚС тўловчиси ҳисобланадилар. 1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2022 йилдан 43 та солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари, 59 та аудиторлик ташкилотлари, 2371 та нотижорат ва 1684 та бюджет ташкилотлари, суғориладиган ер майдони 25 гектардан кўп бўлганлар сони қариб, 2833 тани ташкил этиди. Булар айланмасидан қатъий назар ҚҚС тўловчи корхоналар ҳисобига кўпайшини кўришимиз мумкин.

Солиқ кодексининг 243-моддасина солиқ солишдан озод этиладиган товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланма имтиёзлар бекор қилиниб, жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари хизматлари (бюджет ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган жисмоний тарбия ва спорт хизматлари бундан мустасно); қиймати қатъий суммада белгиланган банк операциялари киради. Хусусий тижорат ташкилотларига жисмоний тарбия ва спорт хизматлари бўйича қўшилган қиймат солиғидан берилган имтиёзлар бекор қилинмоқда. Бунда, бино қуриш ва спорт анжомлари сотиб олишда қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳисобга (зачётга) олиш орқали, хизматлар таннархини пасайтириш имконияти яратилади.

Ҳозирги пайтда тижорат ташкилотларининг жисмоний тарбия ва спорт хизматларидан аҳолининг нисбатан ўзига тўқ қатлами фойдаланади. Бундай жисмоний тарбия ва спорт ташкилотларига ҚҚС бўйича ҳисобга олиш тизими қўллаш хизматларини тақдим этиш. Бундан ташқари, шуни таъкидлаш керакки, жисмоний тарбия ташкилотларини жиҳозлаш учун спорт анжомларини сотиб олиш қўшилган қиймат солиғи билан амалга оширилади кейинчалик ҚҚС ҳисобга олинади. 2020 йилда жисмоний тарбия ва спорт хизматлари қисмида имтиёзлар суммаси – 765,4 млн. сўмни, 2021 йил 1 ярим йилликда – 3 542,1 млн. сўмни ташкил этди.

Солиқ кодексининг 308-моддасига ўзgartириш киритилди. Амортизация нормаларини ошириш билан бир қаторда бир марталик инвестициявий чегирмалар (амортизация мукофотлари) миқдори бинолар учун 5 фоиздан 10 фоизгача, янги технологик ускуналар учун эса 10 фоиздан 20 фоизгача оширилди.

Солиқ кодексининг 337-моддасидасига асосан, фойда солиғи бўйича цемент (клинкер) ишлаб чиқаришни амалга оширувчи корхоналарига имтиёз берилиши яъни 20-фоизлик ставкадан 15-фоизга пасайтирилиши белигиланди.

Ўзбекистон Республикаси цемент ишлаб чиқарувчиларнинг 2021 йил якуни бўйича солиқ юки таҳлил қилинганда қўйдагилар маълум бўлди (2-жадвал).

Мазкур 2-жадвал маълумотлари бўйича Республикаизда цемент ишлаб чиқарувчиларнинг 2021 йил якуни бўйича солиқ юки таҳлил қилинганда фойда солиғи бўйича цемент (клинкер) ишлаб чиқаришни амалга оширувчи 26 та корхоналарига 20-фоизлик ставкадан 15-фоизга пасайтирилиши ҳисобига корхона ихтиёрида 71898,4 млрд сўм қолади.

Солиқ кодексининг 347-моддасига фаолиятини доимий муассаса орқали амалга оширувчи норезидентнинг солиқ тўлангандан кейин ўз тасарруфида қоладиган соф фойдаси дивидендларга тенглаштирилади ва 10 фоиз солиқ ставкаси бўйича солиқقا тортиш жорий қилинди. Соф фойда деганда жами даромад ва доимий муассаса фаолияти билан боғлиқ харажатлар ўртасидаги фарқ тушунилади. Бунда жорий солиқ даври учун соф фойда айни бир доимий муассаса доирасида аввалги солиқ даврларида кўрилган зарарнинг (зарарларнинг) умумий суммасига, башарти илгари бундай зарар (зарарлар) соф фойдани аниқлашда ҳисобга олинмаган бўлса, камайтирилади. Мазкур имтиёз бекор бўлди. 2020 йилда республикада доимий муассаса орқали фаолият юритган 213 та норезидентнинг жами соф фойдаси 6,3 трлн сўмни ташкил этган. Бунда, таклиф этилган янги тартиб жорий қилинса, бюджетга йилига ўртacha 630 млрд сўм қўшимча маблағ ундирилади.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси цемент ишлаб чиқарувчиларнинг 2021 йил якуни бўйича солиқ юки таҳлили¹

№	Корхона номи	Реализ. хажми	(Фойда солиғи (20%), недра				(Фойда (15%), недра млн.сўмда				Фарқи млн.сўмда			
			Жами солиқ	шундан		Сол. юки	Жами солиқ	шундан		Сол. юки	Жами солиқ	шундан		
				Фойда	Недра			Фойда	Недра			Фойда	Недра	
	Республика бўйича жами	5898903,4	1077068,3	287593,5	395419,4	18,3	807460,2	215695,1	197709,7	13,7	269608,1	71898,4	197709,7	
1	KARAKALPAK SEMENT AJ	114244,9	8065,8	1512,3	3107,8	7,1	6133,9	1134,2	1553,9	5,4	1932,0	378,1	1553,9	
2	SURHANCEMENTINVEST	101953,3	9 136,6	0,0	3 149,2	9,0	7562,0	0,0	1574,6	7,4	1 574,6	0,0	1 574,6	
3	NAMANGAN SEMENT AJ	103 983,1	9187,6	3931,0	3760,7	8,8	6324,5	2 948,3	1880,3	6,1	2863,1	982,8	1 880,3	
4	QARSHI CONCH CEMENT	38315,2	879,3	0,0	582,9	2,3	587,8	0,0	291,5	1,5	291,5	0,0	291,5	
5	HUAXIN CEMENT JIZZAKH	292850,7	37196,5	0,0	29424,0	12,7	22484,5	0,0	14712,0	7,7	14 712,0	0,0	14 712,0	
6	OHANGARONSEMENT AJ	923190,5	166253,2	55660,9	75101,1	18,0	114787,5	41745,7	37550,5	12,4	51465,8	13915,2	37 550,5	
7	FARG'ONA YASIN QURILI.	163833,1	18023,2	2615,3	6212,9	11,0	14263,0	1961,4	3106,4	8,7	3760,3	653,8	3 106,4	
8	BEKOBODSEMENT AJ	707225,2	142769,9	29292,2	53126,1	20,2	108883,8	21969,2	26563,0	15,4	33886,1	7323,1	26 563,0	
9	DALLTEKNIK ZOMIN CEM.	38623,8	471,4	0,0	0,0	1,2	471,4	0,0	0,0	1,2	0,0	0,0	0,0	
10	GREAT SILK ROAD SERVIS	24481,4	2 150,9	72,3	0,0	8,8	2132,8	54,3	0,0	8,7	18,1	18,1	0,0	
11	KEZAR AJ	17811,2	505,4	36,0	0,0	2,8	496,4	27,0	0,0	2,8	9,0	9,0	0,0	
12	SING LIDA AJ K.K	8502,0	1398,3	1,8	0,0	16,4	1397,9	1,4	0,0	16,4	0,5	0,5	0,0	
13	EVEREST METALL FAVOR.	42488,7	1011,8	0,0	0,0	2,4	1011,8	0,0	0,0	2,4	0,0	0,0	0,0	
14	TURON PROFESSIONAL	108329,1	336,9	123,7	0,0	0,3	306,0	92,7	0,0	0,3	30,9	30,9	0,0	
15	DAYPLAST NUKUS AJ	7511,1	1785,0	0,0	1 346,2	23,8	1111,9	0,0	673,1	14,8	673,1	0,0	673,1	
16	SMES STROY SAVDO AJ KK	5107,3	673,4	0,0	0,0	13,2	673,4	0,0	0,0	13,2	0,0	0,0	0,0	
17	TITAN CEMENT K.K	90 153,4	16406,1	0,0	0,0	18,2	16406,1	0,0	0,0	18,2	0,0	0,0	0,0	
18	TURON ECO CEMENT GRO.	73982,1	9723,3	48,1	4453,9	13,1	7484,3	36,1	2226,9	10,1	2239,0	12,0	2 226,9	
19	RASH-MILK AJ	72751,4	8425,0	940,5	2989,6	11,6	6695,1	705,4	1494,8	9,2	1729,9	235,1	1 494,8	

¹ Жадвал Давлат солиқ қумитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Солиқ кодексининг 455-моддасидаги автотранспорт воситаларини сотиб олганлик ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтингчалик олиб кирганлик учун З фоизлик йиғим бекор қилинди. Мазкур йўналишда имтиёз бериш ҳисобига қарийб аҳоли ва корхоналар ихтиёрида 620 млрд.сўм хажмида маблағлар қолади.

Солиқ кодексининг 378-моддасига асосан жисмоний шахслардан олинадиган даромадга солиқ солинмайдиган даромадлар белгиланган. Ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қўйидагиларга йўналтирган маблағлар даромад солиғидан озод қилинди. Олий ва профессионал таълим муассасаларида ўқиш учун тижорат банкларидан олинган таълим кредитларини (фоизлари билан) қоплашга, ёш оила томонидан олинган ипотека кредитларини ва улар бўйича ҳисбланган фоизларни 15 млн сўмгача миқдорда қоплаш белгиланди. Бунда ёш оиласлар учун 300 млн.сўмлик ипотека уйнинг қиймати ва бюджетдан субсидия олиш шартлари татбиқ этилмайди. Ушбу қўшимча имтиёз киритилиши ҳисобига дастлабки ҳисоб-китобларга кўра солиқ имтиёzlари ҳисобига 4,4 млрд.сўм маблағлар фуқароларнинг ихтиёрида қолдирилади. Бундан ташқари ушбу модданинг 19¹-бандига солиқ тўловчининг уйжойларини талабаларга ижарага беришдан олинган даромадлари киритилди. Ушбу норма талабаларни ўз уйларига ижарага жойлаштирувчи шахсларга ижара тўловларидан олган даромадаларини жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод этиш орқали талабаларни арzon ижара уйлари билан таминалаш мақсадида киритилди. 2021 йил 1 сентябрь ҳолатига 12,4 мингта ҳолатда талабалар билан ижара шартномаси тузилган бўлиб, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра талабаларга уйларни ижарага берувчи жисмоний шахслар ихтиёрида 10 млрд.сўмдан ортиқ маблағлар қолади ва бу ўз навбатида ижара тўловларининг арzonлашишига замин яратади.

Солиқ кодексининг 414-моддасида янги нефть ва газ қудуқларини, уларни фойдаланишга топширилган ойдан бошлаб, дастлабки икки йил давомида юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқдан озод этилиши назарда тутилмоқда. Ушбу солиқ имтиёз амал қилиш муддати якунлангандан кейинги уч йил давомида мазкур қудуқларга нисбатан белгиланган солиқ ставкасининг 50 фоизга камайтирилган ставкаси қўлланилади. Мазкур имтиёzlар чет эл инвестицияларини кенг жалб қилган ҳолда фойдали қазилма конларини саноат усулида ўзлаштириш, замонавий усуллар ва технологиялар ёрдамида геология-қидирав ишларини рафбатлантириш ҳамда ер қаъридан фойдаланувчиларга солиқ солиш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида киритилди.

Бундан ташқари 2022 йилнинг 9 ойи давомида жами 108,2 мингта ҳолатда 43,7 трлн.сўм солиқ имтиёzlаридан фойдаланилган. Имтиёzларнинг 40,5 трлн.сўми (93%) Солиқ кодекси, 2,3 трлн.сўми (5%) Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва қарорлари, 281,8 млрд.сўми (1%) Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда 660,7 млрд.сўми (1,5%) бошқа қонун ҳужжатлари асосида фойдаланилган. Энг кўп қўлланилган имтиёз ҚҚС бўйича 40,3 трлн.сўмни (92,1%) ташкил этди (8,6 трлн.сўми (38,2%) экспорт ва унга тенглаштирилган хизматлар, 7,2 трлн.сўми (32,2%) молиявий ва суғурта хизматлари ҳамда 2,9 трлн.сўми (13,2%) дори воситалари ва тиббий хизматларга тўғри келади). Бошқа солиқ турларига 3,5 трлн.сўми (8%) тегишли.

Шунгдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ - 101-сон Фармони тасдиқланди. Ушбу Фармони ижросини таъминлаш, тадбиркорлик субъектлари учун тенг рақобат шароитларини яратиш, шунингдек, солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёzlарни тақдим этишни тартибга солиш мақсадида:

2022 йил 1 майдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига тенг шароитларни яратиш учун чекланган субъектларга татбиқ этилаётган солиқ имтиёзлари Фармоннинг 2 - иловасига мувофиқ тармоқлардаги 35 та субъектлар 2,3 млрд.сўмга имтиёздан фойдаланди. Айрим солиқлар ва божхона имтиёзлари Фармоннинг 3 - иловасига мувофиқ босқичма-босқич жорий йилнинг 5 ойида имтиёздан фойдаланган 73 та субъектнинг 18,9 млрд.сўм имтиёзлари 2022 йилнинг 1 июлидан бекор қилинган бўлса, 332 та субъектнинг 35,8 млрд.сўм имтиёзлари 2023 йилнинг 1 январидан бекор қилиниши хабардор қилинди.

Хуроса

Рақобат мұхитини бузувчи индивидуал имтиёзлар ва преференцияларни бекор қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва таҳлил қилишни амалга ошириш механизларини такомилаштириш. Солиқ имтиёзларини, шу жумладан маҳфийлик белгиси остида бериладиган солиқ имтиёзларини ҳисобга олиш ва маъмурчилиги бўйича “E-imtiyoz” ахборот-таҳлилий тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, ҳамда унинг қўлланилишини электрон ҳисобварак-фактураларда, ҳисботларда ва бошқа электрон маҳсулотлар ва хизматларда акс эттириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутқи. 2021 йил 20 август. – <https://president.uz/uz/lists/view/4551>
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси- Тошкент: Fafur Fulom нашриёт уйи 2020.- 640 б.
3. Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси маълумотлари. www.soliq.uz.
4. Маъруза (2020) Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 26 март куни коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишни кучайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги маърузаси// Тошкент. 2020 йил, 26 марта.
5. Александров И. М. (2009) Налоги и налогообложение: Учебник / И. М. Александров. — 10-е изд., перераб. и доп. — М.: Издательско- торговая корпорация «Дашков и К», 228 с.
6. Жўраев А., Тошматов Ш., Абдурахмонов О. (2009) Солиқлар ва солиқقا тортиш. Ўқув қўлланма. Т.: NORMA. 184- бет.
7. Баладина А.С. (2011) Анализ теоретических аспектов налоговых льгот и налоговых преференций // Вестник Томского государственного университета- №4(16)- С. 45-60.
8. Рахматуллаева Ф. (2016) —Солиқ имтиёзларининг моҳияти ва иқтисодиётни рағбатлантиришдаги роли. Молия илмий журнали №2/ 108 бет.
9. Незамайкин В.Н., Юрзинова И.Л. (2004) Налогообложение юридических и физических лиц. —М.: Экзамен, С.44.
10. Майбуров И.А. (2011) Налоги и налогообложение . Ред. 4-е изд. - М: 558 с.
11. Милякова Н.В. (2008) Налоги и налогообложение. Учебник. 7-е изд. Перераб. И доп.–М.:ИНФРА, С.33 Milyakova N.V.